

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Тадбиркорлар учун – қонунларда 3 та янгилик

Қонун ҳужжатларига турли соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни соддалаштирувчи тузатишлар киритилди (3.12.2020 йилдаги УРҚ-653-сон Қонун).

Биринчи тузатиш – «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга. Яқка тартибдаги тадбиркорлар-хунармандлар кўли билан 5 нафар шогирдни жалб қилишлари мумкин бўлган шарт бекор қилинди. Уларнинг сони энди чекланмайди. Иккинчиси – қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар

усулида кавлаб олиш учун ер қаъри участкалари, жумладан сочма олтин конларининг энг юқори ўлчамлари 1 гектардан 5 гектаргача оширилди. Тегишли ўзгартиришлар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунга киритилди.

Учинчиси – корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилаётганда ўзларининг архив ҳужжатларини энди

давлат ёки нодавлат архивларига топширишга ҳаққидирлар. Бу «Архив иши тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган. Илгари қонун бундай танлов имкониятини тақдим этмаган – ҳужжатлар фақат давлат архивига топширилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.12.2020 йилдан кучга кирди.

Ижро этиш жараёни модернизация қилинади

Президентнинг 24.11.2020 йилдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6118-сон Фармони қабул қилинди.

Ҳужжатда Мажбурий ижро бюроси ва унинг директори мақоми мустаҳкамланган, мажбурий ижро этиш жараёнига аралашмаслик ва давлат ижросига ноқонуний таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик тамойили белгиланган. Бироқ идора устидан парламент назорати ўрнатилди – 2021 йилдан бошлаб МИБнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ярим йилда ўз фаолияти тўғрисида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳисобот тақдим этиши лозим.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашлари ташкил этилади. Улар маслаҳатлар бериш ва эксперт-таҳлил қилишга доир вазифаларни бажарадилар, МИБ органлари ишини мувофиқлаштирадидилар ва бунда ижро ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки бундай кўрсатмалар беришга ҳақли бўлмайдилар. Кенгашлар йиғилишлари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади, унда давлат органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этиши мумкин.

МИБ органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилди:

Биринчидан, 1 ноябрдан бошлаб улар қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўла-нишини таъминлаш билан шуғулланмайдилар. Энди мазкур вазифа ўшбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузурдаги санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари томонидан тўловлар ва қарздорликларни ҳисобга олишнинг ягона биллинг тизими юритилади, шунингдек қарздорликлар суд тартибда ундирилади;

Иккинчидан, электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш ички ишлар органлари томонидан, бу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш эса Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлиналари

томонидан амалга оширилади.

2020 йил 1 декабрдан бошлаб бир қатор ўзгартиришлар киритилади:

а) қуйидаги маблағларни тақсимлашнинг янги тартиби белгиланади:

➢ жиноят натижасида давлатга етказилган зарарни ундиришга оид ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағлар;

➢ давлат божлари, жинойи ва маъмурий жарималар ҳамда давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар;

➢ давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишдан келиб тушган маблағлар.

Маблағлар алоҳида газначилик ҳисобрақамида жамланади, сўнгра «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун очилган ҳисобрақамларга пропорционал тартибда Тошкентда 30% ва республиканинг бошқа ҳудудларида 50% миқдорда ўтказилади. Қолган қисми олувчилар ва бюджет тизими бюджетлари даражалари ўртасида тақсимланади;

б) маъмурий жаримани қўллаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари МИБ органларига жаримани ихтиёрий тўлаш учун муддатлар тугагандан сўн тақдим этилади. Ижро ҳужжатларига жаримани ихтиёрий тўлаш имконияти тўғрисида ҳуқуқбузарни хабардор қилган ҳолда унга маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорнинг топширилганлиги ёки юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мажбурий тартибда илова қилинади;

в) мажбурий ижро этиш давомида қарздорнинг хатланган мол-мулкни бошланғич нархдан 30%лик чегирма билан, Давлат бюджетига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича сотилаётган мол-мулк эса ҳудудий кенгашлар қарорига мувофиқ 50%гача чегирма билан нархни ошириб бориш услубида ўтказиладиган дастлабки электрон онлайн-аукционга қўйилади. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарздорлиқни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бундан мустасно;

г) мулклий тусга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича ундириладиган ижро йиғимининг қуйидаги янги миқдорлари белгиланади:

➢ ундирув суммаси 1 000 БҲМдан ортқ бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича – ундирилаётган сумманинг 5%;

➢ ундирув суммаси 1 000 БҲМдан ортқ бўлган ижро ҳужжатлари бўйича – ундирилаётган сумманинг 2%.

Ижро йиғими қўлланилган ижро ишлари бирлаштирилган тақдирда, йиғим миқдори ўзгартирилмайди;

д) МИБ органлари иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жағвармасига айрим ажратмалар қуйидаги миқдорларда йўналтирилади:

➢ МИБ ходимлари томонидан қўлланиладиган ижро йиғими суммаларининг 100%;

➢ ижро иши юритиш бўйича Давлат бюджетига ундирилган суммаларнинг (қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига солиқ қарзини ундириш бундан мустасно) 5%.

2021 йил 1 мартдан бошлаб:

а) қарздорлар алиментларни Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими орқали тўлашлари мумкин бўлади. Пуллар алоҳида банк ҳисобварағига келиб тушади, сўнгра МИБ томонидан расмийлаштирилган олувчининг банк картасига ўтказилади;

б) ижро ҳужжатларининг мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақатгина мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни масофавий мониторинг қилиш электрон тизимини жорий қилган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Савдо дўконларини танлаб олишда мол-мулкни интернет-дўконлар орқали сотишни амалга оширувчи савдо ташкилотларига устуллик берилади;

в) ижро ҳужжатларида мажбурий тартибда қуйидагилар кўрсатилади:

➢ Ўзбекистон фуқароларининг ЖШШИРИ ҳамда бошқа жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларининг реkvизитлари;

➢ қарздор-юрidik шахснинг СТИРИ.

Қонун ижодкорлиги ишлари кўлами режалаштирилди. Хусусан, 3 ой муддатда суд ҳужжатларини давлат томонидан мажбурий таъсир чоралари қўлланилмаган ҳолда ихтиёрий равишда ижро этиш институти қўлланилишини кенгайтирадиган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. 2021 йил 1 сентябрга қадар Ижро ишини юритиш тўғрисидаги ижро кодекси лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.11.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

2-бетда

Ушбу сонда:	3-6-БЕТЛАР	7-БЕТ	8-БЕТ
	Пенсия иши: мавзулар айна дамдаги ва бўлгуси пенсионерлар учун ҳам қизиқарли	Ходимнинг зарарни қоплаш нияти йўқ...	Ходим вафот этди. Маоши кимга берилади?

Табиий офатлар оқибатида етказилган зарар қандай қопланади

Вазирлар Маҳкамасининг 25.11.2020 йилдаги 747-сон қарори билан Табиий офатлар оқибатида аҳолига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хужжат Президентнинг 2.03.2020 йилдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисод»нинг ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сон Фармонига мувофиқ қабул қилинган.

Қуйидагилар белгиланди:

➤ юзага келган табиий офатларнинг кўламига қараб (локал, маҳаллий, республика ва трансчегаравий) аҳолига етказилган зарар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда шаҳар ва туманлар фақуллода вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бар-тароф этиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг тақдимномаларига мувофиқ қопланади;

➤ Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилигига мувофиқ зарарни қоплаш Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилийк хайриялари ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Хужжат билан тасдиқланган Низом табиий офат юзага келган ҳудудда ўзбошимчилик билан қурилган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилмаган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулклар, шунингдек қимматбаҳо металлларга татбиқ этилмайди.

Сугурта объекти ҳисобланган бадиий қийматга эга буюмлар ҳамда мол-мулкка табиий офат натижасида етказилган зарар фуқаролик қонунчилигига мувофиқ сугурталовчи ташкилот ҳисобидан қопланади.

Шунингдек Низомда қуйидагилар қайд этилди:

➤ табиий офатлар оқибатида етказилган зарарни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш тартиби;

➤ зарарни аниқлаш тартиби;

➤ етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш тартиби;

➤ табиий офатлар оқибатида жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби;

➤ табиий офат оқибатида оғир тан жароҳати олган фуқароларга ҳамда табиий офат оқибатида ҳалок бўлган фуқароларнинг оила аъзоларига бир марталик моддий ёрдам тўлаш тартиби.

Молия вазирлиги, ФВВ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига сугурталовчи ташкилотлар билан биргалликда аҳолининг мол-мулк ва яшаш жойларини табиий офатлардан сугурта қилиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш вазифаси топширилди.

ФВВ, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмита-



си, ДСҚ хузуридаги Кадастр агентлиги, Қурилиш вазирлиги хузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Гидрометеорология хизмати марказига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалликда жойларда табиий офатлар юзага келиши мумкин бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли билан профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш вазифаси топширилди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.11.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Бухорий.

ОТБ қаттиқ маиший чиқиндиларни тозалашга \$60 млн ажратди

Вазирлар Маҳкамасининг 25.11.2020 йилдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 748-сон қарори қабул қилинди.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминлаш мақсадида 2020 йил 17 апрелда ОТБ Директорлар кенгаши томонидан «Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш» лойиҳасини молиялаштириш учун 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, 25 йил муддатга, \$60 млн миқдорда кредит ажратилиши маъқулланган эди.

Лойиҳанинг умумий қиймати эквивалентда – \$112 млн, шундан Ўзбекистонда улуши – \$52 млн, шу жумладан солиқ ва божхона имтиёзлар бериш шаклида – \$44,01 млн

ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг маблағлари – \$7,99 млн ни ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йил (2020–2024 йиллар) этиб белгиланган.

Лойиҳа доирасида қуйидагилар режалаштирилмоқда:

➤ Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга «Тоза ҳудуд» ДУК учун 339 та махсус техника, 8 та мобиль лаборатория, 6 мингта контейнер етказиб берилди;

➤ 13 та сервис марказлари ташкил этилади;

➤ кўшимча 4 млн нафар аҳолига санитария тозалаш хизматлари кўрсатилади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек ОТБнинг қарзидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан ижро этувчи орган ҳисобланади.

ОТБнинг қарзини тоза ва фойзаларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар «Тоза ҳудуд» ДУКнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

➤ «Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш» лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

➤ ОТБнинг асосий қарзини қайтариш ва фойзаларни тўлашнинг прогноз жадвали;

➤ «Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»;

Лойиҳани амалга ошириш натижасида республика ҳудудларини санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичлари.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.11.2020 йилдан кучга кирди.

Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби ўзгартирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 30.11.2020 йилдаги «Автомототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автоматотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 758-сон қарори қабул қилинди.

Хужжат Президентнинг 24.08.2020 йилдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6044-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Тасдиқланган Низомда қуйидагилар белгиланган:

➤ автоматотранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолият-

ни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш тартиби;

➤ автоматотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби;

➤ автоматотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга ва (ёки) автоматотранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартиришга рухсат этувчи талаблар ва шартлар.

Лола Абдуазимова.

УШБУ СОНДА	<ul style="list-style-type: none"> ● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз <li style="text-align: right;">1-2-бетлар 	<ul style="list-style-type: none"> – Маълумотнома ўрнига – Қанчага мўлжал қилса бўлади? – Етишмовчилик бўляпти – Имтиёзлар ҳақида – Қўшимча тўлов мавжуд бўлганда – Ёлғизлик тасдиғи сифатида – Мажбуриятни ўз зиммасига олганда – БҲМ ёки ПҲБМ? – Кўпроқ тўланса ҳам бўлади 	<ul style="list-style-type: none"> – Жавобини кутинг – Ўқитувчилар 5 йил олдин имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин – Ярим аср ҳам ўтмади – Тартиб ўзгартирилади – Ишсиз россияликларга янги мақом берилиши мумкин – Ўзингизни текшириб кўринг <li style="text-align: right;">3-6-бетлар 	<ul style="list-style-type: none"> ● Хўжалик юриштиш қоидалари – Ходим моддий зарарни қопламоқчи эмас – Хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномаларни рўйхатга олиш жорий этилмоқда <li style="text-align: right;">7-бет ● КАДРЛАР БЎЛИМИ – Вафот этган ходимнинг иш ҳақи қим-га берилади <li style="text-align: right;">8-бет
	<ul style="list-style-type: none"> ● ПЕНСИЯ ИШИ – Нурунийлар ҳақида ғамхўрлик қилиб – Васийликни белгилаш – Охириги тўлов 			

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзுவий сон

Давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида турли нафақалар назарда тутилган. Улардан бири – дафн этиш учун нафақа. «НОРМА» МЧЖ эксперти нафақа бериш қоидалари ҳақида сўзлаб беради. Ушбу нашрдаги саволлар мавзулари турли-туман. Жавоблар пенсионерларга ҳам, бўлғуси пенсионерларга ҳам қизиқ бўлади.

Бизга ёзган экансиз

Нуронийлар ҳақида ғамхўрлик қилиб

? *Онамнинг бувиси 100 ёшга тўлади. Бунда унга қандайдир имтиёз ёки қўшимча тўловлар берилиши белгиланганми? Белгиланган бўлса, қандай ҳужжатларни тайёрлаш лозим?*

– 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100%и миқдоридан ойлик қўшимча тўловлар ҳисобланади (14.04.2015 йилдаги ПФ-4715-сон Фармоннинг 1-б.). Ушбу тўлов бошқа турдаги пенсия устамалар миқдоридан ва ҳажмидан қатъи назар тўланади.

Қўшимча тўлов **автоматик тарзда** 100 ёшга тўлган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб амалга оширилади, ариза ёки бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди (АВ томонидан 21.05.2015 йилда 2675-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).



Маълумот учун!

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш тўғрисида қарор чиқарган ҳолларда, текшириш тамом бўлиш мuddатидан қатъи назар, пенсия тайинлаш учун **ДАСТЛАБ МУРОЖААТ ҚИЛИНГАН САНА** пенсия тайинлаш учун **МУРОЖААТ ҚИЛИНГАН САНА** ҳисобланади.

БУГУНГИ СОНДА:

ЕТИШМОВЧИЛИК
БЎЛЯПТИ

Боқувчисини
йўқотганлик
пенсиясини
олишга ҳуқуқ

3

БҲМ ЁКИ ПҲБМ?

Фарқ нимада

5

ЖАВОБИНИ
КУТИНГ

Пенсия тайинлаш
тўғрисида қарор
қандай чиқарилади

6

ЎЗИНГИЗНИ
ТЕКШИРИБ
КЎРИНГ

Ақл машқлари

8

Мавзுவий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Васийликни белгилаш

? *Нуронийни (90 ёшли) муомалага лаёқатсиз деб топиш ва васийликни расмийлаштириш қандай амалга оширилади?*

– Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тартиби Фуқаролик кодексининг 30-моддасида тартибга солинади. Унга мувофиқ руҳий касаллиги (ёки ақли заифлиги) оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони **суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин** ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгилашига муҳтож бўлган шахннинг **яшаш жойи бўйича**, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади (ОК 174-м.).

Туман, шаҳар ҳокими васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахннинг **ёзма аризасига мувофиқ** васий ёки ҳомий тайинлайди («Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг 21-м. 3-қ.).

Охирги тўлов

? *Пенсионер ноябрь ойида вафот этган. Қариндошларига унинг пенсияси ёки қандайдир сумма тўланадими?*

– Мазкур ҳолатда пенсионер ноябрь ойи учун пенсиясини олишга улгурган. Тегишинча, пенсионернинг қариндошларига фақат **дафн этиш учун нафақа** тўланади.

Маълумотнома ўрнига

? *Ҳозир пенсияни расмийлаштиришда айрим ҳужжатлар ва маълумотномаларнинг нусхалари талаб этилмаяпти деб зшитдим. Булар қандай ҳужжатлар ва маълумотномалар?*

– Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб ўрнатиладиган тартибга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан қўйидагилардан фойдаланилади:

➤ 2005–2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

➤ 2016–2018 йиллар даври учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;



➤ 2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан.

➤ 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплекси-

да мавжуд маълумотлардан.

Ушбу даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади (2.03.2020 йшдаги ПФ-5953-сон Фармоннинг 20-банди).

Маълумот учун!

1 гуруҳ ногиронига ёки **80 ёшга** тўлган кексаларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаларини расмийлаштиришнинг **ДАВРИЙЛИГИ ҲАР 12 ОЙГА** белгиланади.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қанчага мўлжал қилса бўлади?

? *Нон учун компенсация суммаси қанча?*

– Аҳолининг айрим ёрдамга муҳтож қатламларига ун ва қолипчи нон харид қилиш учун тўланадиган пуллик компенсация миқдори 2019 йил 1 октябрдан қатъий миқдорда - 50 000 сўм этиб белгиланган. Бундан ташқари, компенсация олувчилар рўйхатида қуйидагилар ҳам киритилди:

- 14 ёшгача бўлган болаларига нафақа оладиган оилалар;
- энг кам ёшга доир пенсия оладиган пенсионерлар (ВМнинг 14.10.2019 йилдаги 866-сон қарорининг 5-б.).



Етишмовчилик бўляпти

? *Яқинда турмуш ўртоғим вафот этди. Учта фарзандим билан ёлғиз қолдим. Ишлашимга қарамай, етишмовчилик бўляпти.*

Мен ёки болаларим боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақлимизми? Ҳақли бўлсак, пенсия олиш учун нима қилишимиз керак?

– Ҳа, болаларингиз ушбу пенсияни олишга ҳақли. Оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ва вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлганлар, хусусан, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар, **боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақлидирлар**. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмагандагина ушбу пенсия берилади.

Шу билан бирга **уқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар бо-**

қувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (**хотини**) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 19, 20-м.).

Бунинг учун яшаш жойидаги туман Пенсия жамғармаси бўлимига ариза ва зарур ҳужжатлар билан мурожаат қилиш лозим. Пенсия жамғармаси бўлимида зарур ҳужжатлар рўйхати тақдим этилади.

Имтиёзлар ҳақида

? *20 йилдан буён ОИТСга қарши курашиш марказида (кичик тиббиёт ходими лавозимида) ишлайман. Пенсияга чиқишда бирор-бир имтиёзга эгаманми?*

– Мурожаатда аниқ жавоб беришга имконият яратадиган ҳолатлар кўрсатилмаган. Масалан, ОИТСга қарши курашиш марказларининг барчаси ҳам иммунодефицит вируси билан касалланган шахсларни даволловчи юқумли касаллик муассасалари ҳисобланмайди.

Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ 2 турдаги имтиёз мавжуд:

1) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида иммунодефицит вирусини юқтириб олган тиббиёт ва фармацев-

тика ходимлари **умумбелгиланган ёшдан 5 йил олдин** эркаклар – 55 ёшда, аёллар – 50 ёшда) **пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар** (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сон Рўйхатнинг 1 қисми XXV бўлими);

2) иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишланган давр – **икки ҳисса баробарида имтиёзли тарзда иш стажига ҳисобланади** (Қонуннинг 38-м. «г» кичик б.).

Маълумот учун!

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик **ПЕНСИЯСИ**, иш стажидан **ҚАТЪИ НАЗАР**, тайинланади.

Маевуеий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қўшимча тўлов мавжуд бўлганда

? *Иш даврида узоқ муддат касаллик варақаси бўйича бетоблик даври стажга киритиладими? Бунга маълумотнома билан тасдиқлаш лозими?*

– Шахсга касаллик варақаси очилган давр учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланади, бу меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад ҳисобланмайди. Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган ҳолатларда ходимларга тўланган қўшимча тўлов меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига киритилади (СК 371, 374-м.; МК 285-м.).

Бунда кўрсатиб ўтилган (тиббийет муассасалари томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақалари билан тасдиқланган) давр **иш стажига фақат:**

➤ 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган;

➤ 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган тақдирда киритилади.

Иш даврида бошланган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври давомийлиги **ушбу иш жойи бўйича бериладиган маълумотномалар бўйича** белгиланади (Низомнинг 64-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда **вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври ҳам иш берувчи томонидан касаллик варақаси бўйича қўшимча тўлов тўланган ҳолатларда иш стажига қўшилиши мумкин.**

Ёлғизлик тасдиғи сифатида

? *Ким томонидан қандай ҳужжатларга асосан нурунийлар ёлғиз деб белгиланиши мумкин?*

– Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган пенсия ёшидаги (60 ёшга етган эркаклар, 55 ёшга етган аёллар) шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари куйидаги ҳолатларда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлар (ёлғиз кексалар ва ногиронлар) ҳисобланади:

➤ фарзандлари (шу жумладан асраб олган фарзандлари) бўлмаганда, вояга етмаган ёки ногирон болалар бундан мустасно;

➤ эри (хотини) ва ота-онаси бўлмаганда, кексалар ёки ногиронлар бундан мустасно;

➤ васийлари, ҳомийлари ва суд томонидан кексани ёки ногиронни парвариш қилиш мажбурияти зиммасига юкланган шахслари бўлмаганда.

Ушбу ҳолат Ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳамда ёлғиз яшаётган кексалар ва ногиронларни аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида далолатномасига (Низом 2-б. 6-хатбошиси, 18-б., Низомга 2-илова, ВМнинг 10.08.2015 йилдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган) асосан аниқланади.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Экспертдан сўраг

Мажбуриятни ўз зиммасига олганда

Давлат томонидан ижтимоий кўллаб-қувватлаш тизимида турли нафақалар назарда тутилган. Улардан бири – дафн этиш учун нафақа. «Norma» МЧЖ эксперти Зафаржон Хўжаев нафақа бериш қоидалари ҳақида сўзлаб беради.

Маълумки, шахс вафот этган ҳолатларда қайси тоифадан эканлигидан қатъи назар, дафн этиш учун нафақа тайинланади. Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс вафот этган ҳолатларда ушбу қоида амал қиладими?

– Ҳа, албатта. Дафн этиш учун нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби Низомда (ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон

қарорига 1-илова) қайд этилган. Ушбу тоифадаги фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этилганда нафақа тайинланади. Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олганлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат қилишлари лозим. Шунини қўшимча қиламизки, нафақа олиш учун 60 кун ичида мурожаат қилиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мажбуриятни ўз зиммасига олган юридик шахсларга нафақа тўланмайди.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ПЖга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

- Пенсия жамғармасига қуйидагилар тақдим этилади:
- ариза;
- ФХДЁ органи томонидан берилган ўлим ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси ва ўлим ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси;
- ариза берувчининг паспорти нусхаси.

Нафақа миқдори қанча?

- ПХБМнинг 4 баравари миқдориди нафақа тўланади. Унга солиқ солинмайди, ундан ушланмалар амалга оширилмайди.

Нафақани бериш рад этилиши мумкинми?

– Шахслар вафот этган кундан бошлаб 60 кун ўтгандан кейин нафақа учун мурожаат қилинган ёки барча зарур ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолатлар аризани қабул қилиш рад этиш учун асос бўлади.

Ариза берувчига рад жавоби берилганлиги ҳақида шу куннинг ўзидаёқ хабар берилади. Ушбу қарор устидан бевосита судга ёки Пенсия жамғармаси бўлимидан юқори турувчи органларга шикоят қилиниши мумкин.

Телефон орқали савол**БХМ ёки ПХБМ?**

Базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) ва пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПХБМ) ўртасида қандай фарқ бор?

– Базавий ҳисоблаш миқдори қуйидагиларни аниқлашда қўлланилади:

- солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини;
- тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қиймати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қозғаларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини;
- давлат мукофотлари (шу жумладан, мукофот пулла-ри), идоравий мукофотлар, жумладан унвонлар, эсдалик ва кўкрак нишонлари учун назарда тутилган мукофотлар,

шунингдек, озиқ-овқат ва йўлқира учун харажатлар қий-матини қоплаш ва шу каби айрим компенсациялар миқ-дорларини (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 2-банди «б» кичик банди).

Бир ойда БХМ миқдори 223 000 сўмга тенг (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди).

Пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори пенсиялар ҳамда пенсия таъминоти соҳасидаги устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларни ҳисоблаб чиқариш, шу-нингдек ишлаб чиқаришда шикастланган, касб касаллигига чалинган ёки меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган ходимларга зарар ўрини қоплаш учун қўлланилади.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб ПХБМ – ойига 262 470 сўм (30.07.2020 йилдаги ПФ-6038-сон Фармоннинг 2-банди).

Кўпроқ тўланса ҳам бўлади

Ўзини ўзи банд қилганлар учун ижтимоий солиқнинг энг кам миқдори қанча?

– Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2020 йилги иж-тимоий солиқ БХМнинг 50%идан кам бўлмаслиги керак. У ходим томонидан ҳақиқатда ишланган вақтга боғлиқ бўлади. Ушбу сумма тўлиқ ҳажмда Пенсия жамғарма-си йўналтирилади ҳам ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда

пенсияни ҳисоблаш чиқариш учун иш ҳақи миқдори аниқланади (8.06.2020 йилдаги ПҚ-4742-сон қарорнинг 3-банди).

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий солиқ миқдорини оши-риб, пенсия тўловлари суммаси ҳам оширишга муваффақ бўласиз.

Маълумот учун!

Иш стажини тасдиқлаш учун фақат меҳнат дафтарчаларига **КИРИТИЛГАН** ва тасдиқлайдиган ҳужжатлар асо-сидаги маълумотномаларда **КЎРСАТИЛГАН** иш даврлари тўғрисидаги маълумотлар **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**.

Жавобини кутинг



**Пенсияни расмийлаштириш учун ҳужжатларни топширдим.
Пенсия тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилишини қанча куттиш керак?**

– Пенсия тайинлаш тўғрисидаги масалалар Пенсия жамғармаси бўлимида пенсия тайинлаш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилади. Унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган.

Комиссия бошқа зарур ҳужжатлар билан биргаликда пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза тушгандан кейин 10 кун муддатда тегишли қарор қабул қилади (пенсия тайинлаш тўғрисида, пенсия тайинлашни рад этиш ҳақида, тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлигини текшириш тўғрисида ва шу кабилар). Зарур ҳужжатлар тўлиқ

тақдим этилмаса ёки тақдим этилган ҳужжатлар қўшимча текширишни талаб қилса, комиссия томонидан ҳужжатларни текшириш тугагунига қадар қонунчиликда белгиланган миқдорда пенсия тайинланади ҳамда текшириш якунига мувофиқ қўшимча ҳужжатлар асосида пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси; Низомнинг 117, 118-бандлари, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Норматив лойиҳа

Ўқитувчилар 5 йил олдин имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин

«Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Лойиҳага мувофиқ, педагогларнинг пенсия ёши беш йилга қисқартирилган ҳолда уларнинг имтиёзли пенсия олиши белгиланмоқда.

Ўқитувчиларнинг лавозим мажбурияти ва касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йиғилишлар ва бошқа тadbирларга жалб қилиниши тақиқланади.

Педагог ходимни мажбурий меҳнатга жалб қилган шахслар қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, уларга кўп йиллик хизматлари учун базавий

лавозим маошининг 15 фоизидан 40 фоизигача ҳар ойлик устама иш стажига кўра тўланади.

Педагоглар касбий фаолияти давомида юқумли касалликларга қарши бепул профилактик эмланади ва 15 йил стажга эга ходимга йилда бир марта соғломлаштириш муассасаларига бепул йўлланма берилади.

Муҳокама 13.12.2020 йилгача давом этади.

ЎзА асосида.

Турмуш чорраҳаларида

Ярим аср ҳам ўтмади

Наманганда 80 ёшли пенсионер 55 йил йилдан сўнг ўз никоҳини расмийлаштирди, деб маълум қилади маҳаллий ОАВ.

Махмуджон Мирзабоев 77 ёшли Райхоной Усмонова билан никоҳдан ўтди, – дейилади ахборотда.

Жуфтлик никоҳи 2-сон ФХДЁ бўлими томонидан қайд этилди. Эракнинг сўзларига қараганда, улар шунча йилдан бўён никоҳни қайд этишга вақтлари бўлмаган экан.

Манба: Sputnik.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Хорижда қандай

Тартиб ўзгартирилади

Россияда 2022 йилга келиб касаллик варақалари, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар бутун мамлакат бўйлаб тўғридан-тўғри Ижтимоий сугурта жамғармасидан тўланади.

Бундан ташқари, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар электрон меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича автоматик равишда расмийлаштирилади, бирор-бир ариза ёзилиши шарт бўлмайди.

Нафақаларни тайинлашнинг бундай тартиби иш берувчилар учун қозғалар билан ишлаш ҳажмини камайтиради ва маблағлар ўтказилишини жадаллаштиради. Айрим ҳудудларда тўловларни расмийлаштиришнинг бундай тартиби амал қилмоқда. 2020 йил мартда Меҳнат вазирлиги маълум қилганидек, ушбу механизм Федерациянинг 69 та субъектларида тажриба тариқасида ишляпти. Тўғридан-тўғри тўловлар сугурталанган фуқаро учун ҳам, корхона учун ҳам бир қатор афзалликларга эга бўляпти. Илгари корхона томонидан сугурта тўловлари амалга оширилаётганда ҳисобланган сугурта бадалларини тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Ижтимоий сугурта жамғармаси ҳисобрақамларидан маблағлар қайтарилгунга қадар айланмадан маблағлар олишга тўғри келарди. Таклиф этилаётган тартиб иш берувчини бундай заруратдан халос этади.

Тажриба ўтказилаётган ҳудудларда тўғридан-тўғри тўлов тартиби қуйидагиларга нисбатан амал қилади:

- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси;
- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа;
- ҳомиладорликнинг илк даврларида тиббиёт ташкилотларида ҳисобга турган аёлларга бир марта тўланадиган нафақа;
- бола туғилганда бирийла бериладиган нафақа;
- болани парваришlash бўйича ойлик нафақа;

➢ ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа;

➢ ишлаб чиқаришда шикастланган шахсларга ҳақ тўланадиган йиллик таътиллاردан ташқари санаторий-курортда даволаниш ҳақини ва даволаниш жойига етиб бориш учун йўл харажатларига оид тўловлар.

Ҳозирда, умумий тартибга қўра, касаллик варақаси бўйича тўловни олиш учун ходим шифокор томонидан тўлдирилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасини (касаллик варақасини) тақдим этиши лозим. Бетоблик ёки жароҳатланиш туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси дастлабки 3 кун учун иш берувчининг маблағлари ҳисобидан, 4-кундан бошлаб эса Ижтимоий сугурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ходимнинг «сугурта» стаж камиди 5 йилни ташкил этганда, унга касаллик варақаси бўйича ўртача иш ҳақининг 60%, 5 йилдан 8 йилгача бўлганда 80%, 8 йилдан ортиқ бўлганда 100% миқдориди ҳақ тўланади.

Оналик бўйича тўловларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, шунингдек болани парваришlash нафақаси киради. Биринчи айтиб ўтилган нафақа бутун ҳомиладорлик ва туғиш даврини қўшиб ҳисоблаган ҳолда (ёки фарзандликка олингандан кейинги 70 кун учун) тўланади. Болани парваришlash нафақаси миқдори ўртача иш ҳақининг 40%ини ташкил этади, нафақа болани 1,5 ёшга тўлгунга қадар парваришlash таътили тақдим этилган кундан бошлаб бутун таътил даври учун тўланади.

Ишсиз россияликларга янги мақом берилиши мумкин

РФКП фракцияси депутатлари Давлат думасига фуқароларнинг «мажбурий ишсизлар» тоифасини жорий қилиш назарда тутилган қонун лойиҳасини киритдилар. Бу ҳақда «Парламентская газета» хабар берди. «Мажбурий ишсизлар» деб номланган янги мақомга эга бўлган россияликларга иш берувчининг фаолияти тақиқланган тақдирда МҲЭКМдан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланиши лозим.

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ бўлган чекловлар амал қилган даврда кўпчилик яқка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини тўхтатиб туришларига тўғри келганлиги туфайли шундай таклиф киритилмоқда.

Тўшум мавжуд бўлмаганлиги сабабли иш ҳақи тўланиши кечиктирилиши ва тўланмаган ҳолатлар ҳам юзага келди. Бунда амалдаги қонунчилик доирасида ўз иш берувчилари томонидан иш билан таъминланмаган фуқаролар ишсиз деб эътироф этилади.

Ҳужжатга тушунтириш хатида айтилишича, «мажбурий ишсизлар» тоифасига юқори даражадаги тайёргарлик ёки факуллода ҳолат режими шароитида фаолияти вақтинчалик тақиқланган иш берувчининг ўз ходимларининг

меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат функциялари бўйича ишлашини таъминлай олмайдиган фуқаролар киритилади.

Ишсизларнинг бундай тоифасига бундай фуқароларнинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган ва МҲЭКМдан кўп бўлмаган миқдорда бюджет маблағлари ҳисобидан нафақа тўланиши лозим. Дарвоқе мазкур даврда иш берувчи иш ҳақи тўламаслиги ҳамда ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилмаслиги керак.

Аввал Россия Меҳнат вазирлиги маълум қилганидек, коронавирус пандемияси даврида мамлакатда ишсизлик нафақасини олувчилар сони ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 5 бараварга ошган.

Сўнгсўз ўрнида

Ўзингизни текшириб кўринг

Газетамизнинг қанчалик зийрак ўқувчиси эканлигингизни текшириб кўрадиган вақт келди. Мабодо нима-нидир эслолмай қолсангиз, хижолат бўлманг. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, билимларингизни такрорлаб олишга доимо имкон бор. Омад ёр бўлсин!

1. «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирланган шахслар учун қандай имтиёзлар назарда тутилган?

- а) медал билан бирга бериладиган пул мукофоти;
- б) пенсияга камида 20% устама;
- в) меҳнат фахрийларига имтиёзлар назарда тутилмаган.

2. Ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари ишга жойлашининг имкони бўлмаган хизмат жойларида турмуш ўртоқлари билан бирга яшаган давр стажга қўшилидими?

- а) 10 йилдан ортиқ бўлмаган муддат ҳисобга олинади;
- б) 15 йилдан ортиқ бўлмаган муддат ҳисобга олинади;
- в) йўқ, ҳисобга олинмайди.

3. Учувчилар таркибда ишлайдиган ходимларга олий ўқув юртларида ўқиш даври кўп йиллик хизматлари ҳисобига киритиладими?

- а) ҳисобга олинмайди;
- б) ҳисобга олинади, бироқ фақат бу ўқишдан олдин ходим учувчилар таркибига кирган лавозимларда ишлаган бўлса;
- в) ҳисобга олинади.



4. Хунармандчилик фаолияти билан шуғулланадиган пенсионерлар учун ижтимоий солиқни тўлашга оид имтиёзлар мавжудми?

- а) имтиёзлар назарда тутилмаган;
- б) фақат «Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун бир ойда БҲМнинг 50%и миқдориди;
- в) қишлоқ туманларида фаолият юритадиган «Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун (дастлабки 2 йилда БҲМнинг 50%и миқдориди).

5. Пенсионер томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган ҳисобланган пенсиялар қайси даврлар учун тўланади?

- а) 6 ой учун;
- б) 24 ой учун;
- в) 12 ойдан ошмаган давр учун.

6. Штат қисқартирилганлиги муносабати билан неча ёшда муддатидан олдин пенсияга чиқиш мумкин?

- а) эрақлар – 58 ёшда ва иш стажы камида 25 йил, аёллар – 53 ёшда ва иш стажы камида 20 йил бўлганда;
- б) эрақлар – 55 ёшда ва иш стажы камида 20 йил, аёллар – 50 ёшда ва иш стажы камида 25 йил бўлганда;
- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Ўзгариш жавоблар: 1а, 2а, 3б, 3в, 4а, 5а, 5б, 6а.

Натижалар

Ҳар бир тўғри жавоб учун –
1 балл.

Сизнинг натижангиз:

6 балл – аъло даражали натижа. Сиз пенсия таъминоти масалаларини яхши тушунаси.

3-5 балл – кўп нарсани билар экансиз. Билимларингиз янада юқори бўлиши учун «Норма маслаҳатчи»ни ўқинг ва ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан доимо бохабар бўлиб туринг.

3 ва undan kam балл – афсус, сиз жуда кам билимга эгасиз. Эсдан чиқарманг, билим – куч демак. Билимларингиз айниқса пенсия ёшда сизга асқотиб қолади. «Норма маслаҳатчи» билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг, шунда яхши натижани кўлга киритасиз.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 11.08.2020 йилдаги 32 (785), 8.09.2020 йилдаги 36 (789), 13.10.2020 йилдаги 41 (794), 10.11.2020 йилдаги 45 (798)-сонларида чоп этилган.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Корхонага зарар етказган ходим ҳар доим ҳам уни ихтиёрий равишда қоплашга рози бўлмайди. Бундай вазиятларда иш берувчининг қандай йўл тутишини «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова тушунтириб берди:

Ходим моддий зарарни қопламоқчи эмас

– Ходим етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплашдан бош тортиган тақдирда, ундириладиган сумма унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган ҳолларда, ходимдан зарар суммаси иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади (МК 207-м. 1-қ.). Бунинг учун зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой муддатда буйруқ чиқарилиши лозим.

Ҳар сафар иш ҳақи тўланганда ушлаб қолинадиган сумма ходимга тўланадиган меҳнат ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак (МК 164-м. 3-қ.). Ушлаб қолинадиган сумма жорий иш ҳақининг 50%идан ортиқ бўлган тақдирда, уни қисмларга бўлган ҳолда бир неча ой мобайнида ушлаб қолиш мумкин.

Зарарнинг тўлиқ суммаси тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлганда ва МКнинг 202-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ушлаб қолинади.

Қуйидаги ҳолатларда зарар суммаси суд орқали ундирилади:

- ундириладиган сумма ходимнинг ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлганда;
- зарар аниқланган кундан эътиборан бир ой ўтганда;
- ходим, шу жумладан моддий жавобгар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси зарар аниқлангунга қадар бекор қилинганда ва у зарарни ихтиёрий равишда тўламаганда.

Шунга ўхшаш вазиятларни қўриб чиқамиз.

1-ВАЗИЯТ.

Ишдан бўшатиладиган ходимдан зарарни ундириш

Моддий қимматликларни қўриқловчи ходим ишдан бўшаш тўғрисида ариза берди. У билан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин корхонада тафтиш ўтказилди. Тафтиш давомида камомат аниқланди, бунда ишдан бўшаган қоровул айбдор деб топилди. Уни моддий жавобгарликка тортиш мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Зарар етказилгандан кейин меҳнат шартномасининг бекор қилиниши собиқ ходимни моддий жавобгарликдан озод этмайди (МК 185-м. 3-қ.). Собиқ ходим зарарни ихтиёрий қоплашдан бош тортса, зарарни ундириш учун судга мурожаат қилинган.

2-ВАЗИЯТ.

Инвентаризацияда иштирок этиш рад этилганда зарарни ундириш

Моддий жавобгар шахс ишдан бўшаш ҳақидаги аризани тақдим этди ва инвентаризацияда иштирок этишни рад қилди. Инвентаризация натижалари бўйича ушбу ходим ҳисобда турган қимматликларда камомат аниқланса, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ундан зарарни ундириш мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Бироқ у зарарни ихтиёрий равишда қопламаган тақдирда, судга мурожаат қилишга тўғри келади (ФПК 239-м.; МК 185-м. 3-қ.).

3-ВАЗИЯТ.

Ишдан бўшатиладиган бош бухгалтердан зарарни ундириш

Бош бухгалтернинг ташаббусига кўра у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Ишдан бўшатиладиганидан кейин ўтказилган аудиторлик текшируви чоғида собиқ бухгалтернинг айби билан маблағлар хатолик тўғрисида ортиқча сарфланганлиги оқибатида камомат юзасига келгани аниқланди. Уни жавобгарликка тортиш мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ходим шартнома амал қилган даврдаги ўз ҳаракатлари учун жавобгар ҳисобланади (МК 185-м. 3-қ.). Собиқ бош бухгалтерга зарарни ихтиёрий равишда қоплашни таклиф қилинг. У буни рад этган тақдирда, судга мурожаат қилинган.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилади:

- зарар етказиш сабаблари;
- бевосита ҳақиқатда етказилган зарар суммаси (у текширув, тафтиш, инвентаризация материаллари билан тасдиқланади);

➢ ходимга зарарни ихтиёрий равишда қоплаши таклиф этилганлиги далили.

Даъво аризасига қуйидагилар илова қилинади:

- ходимнинг меҳнат шартномаси;
- ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ;

➢ лавозим йўриқномаси (мавжуд бўлганда);

➢ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома (мавжуд бўлганда);

➢ моддий қимматликлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➢ ташкилотда моддий қимматликларни сақлаш учун шароит яратилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➢ текширув далолатномаси;

➢ ходимнинг зарарни ихтиёрий қоплашдан бош тортиганлиги ҳақидаги тушунтириш хати;

➢ ходимнинг лавозим маоши миқдори (тариф ставкаси) тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар.



Ходимдан моддий зарарни ундириш учун зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб 1 йилдан кечиктирмай судга мурожаат қилиш лозим. Акс ҳолда суд белгиланган муддатни ўтказиб юборишнинг узрли сабаблари мавжуд бўлмаганда, даъво ни қондиришни рад этиши мумкин (МК 270-м. 1-қ. 3-хатбоши, 2-қ.).



Хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномаларни рўйхатга олиш жорий этилмоқда

ДСҚ томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетларида янги – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатга олиш сервиси ишга туширилади. Vuxgalter.uz илтимосига биноан ДСҚ Стратегик режалаштириш департаменти бошлиғи Нодиржон Аҳмеджанов ва ДСҚ хузуридаги «Янги технологиялар» ИАМ идентификация воситалари билан маҳсулотлар маркировкасини жорий этиш бўлими бошлиғи Жавоҳир Исмоилов янгилик тўғрисида батафсил гапириб беришди.

Нодиржон Аҳмеджанов:

– Шартномаларни рўйхатга олиш ихтиёрий бўлади. Олдиндан айтаманки, тадбиркорлар учун қулайлик яратиш ва ЭҲА имкониятларини кенгайтириш учун – биз халқаро тажриба асосида уларни электрон шаклда шакллантириш ва тузиш имконини берадиган тизимни жорий этиш масаласини ишлаб чиқишимиз лозим бўлади. Янги тизим ёрдамида улар ўз офислари, ўз шаҳарларида қолган ҳолда, реал вақт режимида контрактларни расмийлаштиришлари мумкин бўлади.

Шартномаларни электрон рўйхатга олиш сервиси шартномалар ҳисобини соддалаштиради ва тизимлаштиради. Ҳужжатни ва у бўйича муҳим ахборотларни топиш жуда содда бўлади.

Шунингдек, яқин орада шартнома тўғрисидаги маълумотларни электрон ҳисобварақ-фактураларга киритиш жараёнини автоматлаштирадиган сервис ишга туширилади. Бу ҳам ишни соддалаштириши ва ЭҲФни шакллантиришда хатоларни қисқартириши керак.

Шартномаларни электрон рўйхатга олиш сервиси яқин кунларда тўлиқ ишлашни бошлайди, бу ҳақда ДСҚнинг сайты ва ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларида хабар берилади. Бироздан кейин олинган тажрибани инобатга олган ҳолда сервис ишини регламентлайдиган НХҲ тасдиқланади.

Жавоҳир Исмоилов:

– Ҳар бир рўйхатга олинган шартномага тизим томонидан контрактнинг электрон идентификациялари – рақами ва QR-коди берилади. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетида тузилган шартномаларнинг электрон реестри шакллантирилади.

Рақами ёки QR-коди бўйича шартнома маълумотларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Маълумотлардан ҳам my.soliq.uz да, ҳам мобил иловада фойдаланиш мумкин.

Шартномани рўйхатга олиш учун солиқ тўловчининг шахсий кабинетида

хизматлар рўйхатида «Шартномаларни электрон рўйхатга олиш» модулини танлаш ва очилган шаклни тўлдириб зарур бўлади.

Шаклда қуйидагилар кўрсатилади:

- контракт тури;
- уни тузиш санаси;
- рақами;

➢ тарафлар реқвизитлари (СТИР, компаниянинг номи, манзили, банк номи, счёти рақами ва ИФУТ коди. Барча ушбу маълумотлар ташкилот СТИРи киритилгандан сўнг, автоматик тарзда тўлдирилади);

➢ контракт номи, коди, штрих коди, ўлчов бирлиги, нархи, акциз суммаси, ҚҚС суммаси, умумий суммаси.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинетида шартномаларнинг электрон реестрида Божхона қўмитасининг тизимларида, махсус алмашиш платформасида ва мамлакатимизда ишлаётган бошқа тизимларда рўйхатга олинган шартномалар ҳам автоматик тарзда акс эттирилади.

Зарурат бўлганда тадбиркорлар электрон реестрнинг маълумотлари га тузатишлар киритишлари мумкин бўлади.

Шартномаларнинг электрон реестридан маълумотлар ЭҲФни шакллантиришда автоматик тарзда қўлланилиши учун шартнома кучга кирган пайдан эътиборан 10 кун давомида ёки ЭҲФ тақдим этилгунга қадар рўйхатга олинган бўлиши керак. Ушбу қоидага шартномаларни электрон рўйхатга олиш тизими электрон ҳисобварақ-фактуралар тизими билан интеграция қилингандан кейин риоя қилиш лозим бўлади.

Барча тизимдан фойдаланувчилардан тизим ишидаги носозликлар ҳақида хабар беришларини ва уни тақомиллаштириш юзасидан таклифларни Давлат солиқ қўмитасига ёки «Янги технологиялар» ИАМга юборишларини сўраймиз.

Олег Гаевой тайёрлади.

Вафот этган ходимнинг иш ҳақи кимга берилади

Компания ходимларидан бири вафот этди. Олинмаган иш ҳақи ва фойдаланилмаган таътил учун компенсация суммаси анча миқдорни ташкил этди. Бухгалтерия ушбу суммани вафот этган ходимнинг бевасига берди. Бироқ кейинги кун вафот этган ходимнинг отаси келиб уларни судга беришини айтиб пўписа қилди.

– Ҳақиқатан ҳам, вафот этган ходимнинг иш ҳақини кимга бериш лозимлигини тўғри белгилаш мумкин. Ақс ҳолда низолар юзага келиши ва судда муҳокама қилиш-гача етиб бориши мумкин.

МКнинг 162-моддасига мувофиқ ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади.

Оила кодексининг 5-моддасига мувофиқ куйидагилар оила аъзолари жумласига киритилади: эр-хотин, ота-она, болалари (фарзандликка олинганлар ва фарзандликка олганлар). Дарвоқе фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳи рўйхатдан ўтказилганлар эр-хотин ҳисобланади. Тегишли равишда, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳдаги турмуш ўртоғи вафот этган ходимнинг иш ҳақини олишга ҳақли бўлмайдиган (ОК 5, 13-м.).

Шунингдек никоҳ расман бекор қилинган ҳолатда собиқ турмуш ўртоғи, ҳатто вафот этган кунгача бирга яшаган тақдирда ҳам вафот этган ходимнинг иш ҳақини олишга ҳақли бўлмайдиган.

Меҳнатга қобилиятсиз шахсни мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб топиш учун бундай шахс мерос қолдирувчининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги ёки ундан олиб турилган моддий ёрдам унинг ҳаёт кечириши учун асосий ва доимий манба бўлганлиги факти аниқланиши лозим. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, иш (хизмат) жойи маъмурияти, ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган ҳужжатлар, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқланиши мумкин (ОСПнинг 20.07.2011 йилдаги 05-сон қарори 17-б. 5-хатбоши).

Вафот этган ходимнинг иш ҳақини олишга бўлган ҳуқуқ устунлиги

Меҳнат кодексига иш ҳақини олишга ким (вафот этган ходимнинг турмуш ўртоғи ёки унинг ота-онаси) устувор ҳуқуққа эга бўлиши қайд этилмаган. Шу боис иш берувчига биринчи бўлиб мурожаат қилган ва зарур ҳужжатларни тақдим этган оила аъзосига ёки қарамоғидаги шахсга ходимнинг иш ҳақини бериш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Вафот этган ходимнинг иш ҳақини беришни сўраб мурожаат қилган шахсдан талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қонун ҳужжатларида қайд этилмаган. Қоидага кўра, куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- вафот этган ходимнинг иш ҳақини олиш учун ёзма шаклдаги ариза;
- паспорт ёки олувчининг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
- ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- вафот этган ходим билан қариндошлигини ёки унинг қарамоғида эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар).

Кўриб чиқилаётган вазиятда турмуш ўртоғи биринчи бўлиб иш ҳақини беришларини сўраб мурожаат қилган ва зарур ҳужжатларни тақдим этган бўлса хавотирланишга ҳожат йўқ. Сиз унга вафот этган турмуш ўртоғининг иш ҳақини бериб, қонунни бузмагансиз. Иш ҳақини олишга бўлган ҳуқуқини тақдим этган бошқа қариндошларига иш ҳақи берилганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишингиз мумкин.

ВАЗИЯТ.

Вафот этган ходим билан никоҳда бўлганлиги далили шубҳа уйғотганда

Ходим вафот этганидан кейин унинг иш ҳақини олиш учун ўзини турмуш ўртоғи деб таништирган аёл мурожаат қилган ҳамда паспортдаги никоҳ тўғрисидаги қайдни кўрсатди. Бироқ ҳамкасблари, шу жумладан раҳбарлар ҳам ходим аллақачон никоҳдан ажрашган деб билардилар. Ушбу ҳолатда никоҳ масаласига оидинлик киритиш учун иш берувчи никоҳ рўйхатдан ўтказилган (паспортдаги қайд бўйича) ФХДЁ бўлимига тегишли сўров тақдим этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай чора вафот этган қариндошининг иш ҳақини олиш учун мурожаат қилган бошқа оила аъзолари эътироз билдириши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга имкон беради.

Иш ҳақини бир нечта қариндошлар ўртасида тақсимлаш мумкин

Иш ҳақини олиш учун бир вақтнинг ўзида бир неча оила аъзолари ва қа-



рамоғидаги шахслар мурожаат қилган бўлса ёки сиз бошқа оила аъзолари томонидан эътироз билдирилишидан хавотирланиб пулларни битта қариндошига бериши хоҳламаётган бўлсангиз, бир нечта вариантдан фойдаланиш мумкин:

1) қолганларнинг олдидан ёзма розилигини олган ҳолда иш ҳақини оиланинг бир аъзосига бериш (пластик картасига ўтказиш – олувчидан мавжуд бўлган тақдирда);

2) оиланинг бир аъзосига пулларни бериш учун оила аъзоларининг ёзма розилиги мавжуд бўлмаганда, иш ҳақини улар ўртасида тенг баравар тақсимлаш;

3) оила аъзолари ўртасида низо юзага келиб, улар на биринчи ва на иккинчи вариантга рози бўлмасалар, у ҳолда иш ҳақи нотариусдан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ёки меросхўр деб эътироз этиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд қарорини тақдим этган оила аъзосига берилади (ФК 1146-м.).

Иш ҳақи берилганлиги далили қайд этилиши шарт: олувчидан (олувчилардан) пулларни олганлиги тўғрисида имзо чекишни талаб қилинг, имзо чекишни рад этган тақдирда ташкилотнинг бошқа ходимлари гувоҳлигида бу ҳақда далолатнома тузинг.

Фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўлаш лозими?

Ҳа, тўлаш лозим, лекин бу ҳақда МКда қайд этилмаган.

Фойдаланилмаган таътил учун компенсация меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда тўланади (МК 151-м. 1-қ.). Ходимнинг вафот этганлиги хо-

лати эса МКнинг 106-моддаси 5-бандида назарда тутилган томонларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асослардан бири ҳисобланади. Иш берувчи ходимнинг вафот этганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва кўшимча таътиллари учун компенсация ҳисоблаши шарт.

Ходим ишланмаган йил учун таътилдан фойдаланган бўлсачи? Ушбу ҳолатда вафот этган ходимнинг иш ҳақини олишга ҳақли бўлганми?

Ишдан бўшатишда таътил пулларини ушлаб қолмаслик учун асослар (ходим вафот олиб бўлган йил туғанига қадар ишдан бўшатишдан бўлса) МКнинг 164-моддаси 2-қисми 4-бандида санаб ўтилган. МКнинг 106-моддаси 5-бандида бу ҳақда айтилмаган. Бинобарин, ходимнинг вафот этганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда умумий қоидага кўра, бундай ушланмалар амалга оширилади.

Бироқ, ишдан бўшатиш учун муҳим асосни (ходим вафот этганлигини) ҳисобга олган ҳолда, иш берувчи ўз ихтиёрига кўра таътил пулларини ушлаб қолмаслик ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Қоидага кўра, бундай ҳаракатларни хусусий ташкилотларгина амалга ошира оладилар.

Ленара Хикматова,
«Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz
gazeta@norma.uz
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тўридан саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўзғо бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳою келишилган нарҳда.
Буортма г-1222. Адади 540. Газета 2020 йил 7 декабрь соат 16.00 да топширилади.